

## Ёлғон бор жойда барака узилади



21:00 / 03.11.2022 2392

Абу Тийб Табарий роҳимаҳуллоҳ оёқ кийимини тузатиш учун этикдўзга берди. Этикдўзнинг иши ниҳоятда кўп бўлиб, доимо баҳона қилиб узр айтаверар эди. Абу Тийбнинг келаётганини кўриб қолса дарров унинг оёқ кийимини сувга ивитиб қўяр, ўзини худди бироздан сўнг унинг оёқ кийимини тузатиб берадигандек кўрсатар эди. Уни кўрган Абу Тийб этикдўзнинг гапи ростлигига шубҳаси қолмас эди.

Шу ҳолатда анча пайт ўтганидан кейин зериккан Абу Тийб этикдўзга шундай деди:

- Биродар! Мен сизга оёқ кийимини тузатиш учун берганман, сузишни ўргатишингиз учун эмас!

Афтидан ер юзидаги баъзи нарсалар ўзгармайдиган кўринади. Бугун касб-хунар соҳиблари ўртасида ваъдага хилоф қилишлар урфга айланди. Илло Аллоҳ сақлаганларгина бундан мустасно.

Уйингизда свет ўчиб қолади. Дарров электрикка боғланасиз. У сизга ўн минутда бораман деб ваъда беради. Бир соат, икки соат, уч соат ўтади ҳамки у келмайди. Бунча вақт Эдисонга лампочка яратиши учун ҳам етиб ортар эди. Сиз зулматда ўтираверасиз. Чунки акамиз бошқа мижозни соққаси билан бандлар. Сизни ҳам қўлдан чиқаргилари келмаяпти.

Механикнинг олдида тузатиш учун ўнта машина турибди. У сизга бандлигини айтмайди. Машинангизни ташлаб кетишингизни, бироздан сўнг келиб машинани олиб кетишингизни айтади. Агар ўша куни кечқурун машинангизни олсангиз сиз энг бахтли инсонсиз. Уларда шунақанги баҳоналар борки, ёлғон айтаётганига иймонингиз комил бўлсада ишониб юборасиз.

Токи иморат қурмагунимча ер юзида бунча ёлғонлар ва ваъдага хилоф қилишлар борлигини билмас эдим.

Усталар ортидан худди улар менга иш ҳақини олмасдан садақа бераётгандек югурар эдим.

Ҳайронман, олдида қиладиган иши бўлатуриб нега янги буюртма қабул қилишар экан-а?!

Нега мижозга аниқ вақтини айтишмайди?!

Келган буюртмани қучоқ очиб кутиб олишади. Нимадир иш билан мижозларни ипсиз боғлаб қўйишади. Бошқага бергилари келмайди!

Баъзан йигитлар бир қизга фотиҳа қилиниб сўнгра бир неча йил четга ишлагани кетиб юборишяпти. Бечора қиз бошқага турмушга чиқа олмайди. Ипсиз боғланган. Юқоридаги мижозлар ҳам шунга ўхшайди! Озгина ростгўй бўлайлик, азизлар! Аллоҳ таоло ростгўйликка барака беради. Ёлғон бор жойдан барака узилади!

**Абдулқодир Полвонов**